

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори
Т. Тешабаев**



_____ 2025 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Олий таълим фан ва инновациялар
вазирлиги хузуридаги ОАК раиси
А.Т. Юсупов**

« _____ » _____ 2025 й.

08.00.12 – «МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ»

ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон

ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2025

Кириш

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида миллий иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш, минтақалар ривожланиш даражасидаги номутоносибликларни бартараф этиш долзарб вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлмоқда. Ушбу стратегик мақсадларга эришишида ҳудудларнинг мавжуд ички имкониятларидан кенг фойдаланиш, ҳамда минтақаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотларнинг таркибий тузулишини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсаткиш соҳаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Мазкур стратегия минтақаларни тадқиқ қилишнинг назарий-методологик базасини тизимлаштириш ҳамда ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий раёнлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш концепсияларига асосланмоқда.¹

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган вазифаларнинг ижроси бу соҳада илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсияларга, кенг қамровли илмий-тадқиқот ишларининг натижаларига асосланмоғи лозим. Бу эса ўз навбатида илмий салоҳиятга эга, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан муштарак ҳолда олиб борилмоғи зарур.

Ушбу дастур 08.00.12 - “Минтақавий иқтисодиёт” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) илмий даражасига талабгор изланувчилар учун мўлжалланган.

Дастурда минтақавий иқтисодиёт фанининг илмий-назарий асослари, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантириш қонуниятлари, минтақавий иқтисодий ўсишни асослаш, минтақа иқтисодиётининг ривожланишини ифодаловчи индикаторлар тизимини шакллантириш, Ўзбекистон минтақаларининг ташқи иқтисодий алоқалари ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари, минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари, Ўзбекистон минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятлари ва ҳудудлар салоҳияти, ихтисослашуви ва ракобат устунликларини баҳолаш асосида ўсиш драйверларини аниқлаш каби йўналишлар ўрин олган.

Дастур 08.00.12 - “Минтақавий иқтисодиёт” ихтисослиги паспортига тегишли бўлган масалаларни ўз ичига қамраб олади.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi “2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi PF-60-son Farmoni.

АСОСИЙ ҚИСМ

1. «Минтақавий иқтисодиёт» фанининг предмети ва тадқиқот услублари

Минтақавий иқтисодиёт фани макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт ва иқтисодий география фанлари билан биргаликда иқтисодий билимнинг муҳим таркибӣ қисми сифатида. Минтақавий иқтисодиётнинг минтақашунослик ва иқтисодий фанлар тизимида тугган ўрни.

«Минтақавий иқтисодиёт» фанининг объекти ва предмети. «Худуд», «минтақа» тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Олимларнинг минтақа тушунчасига муносабати. Минтақа функционал тизим ва илмий тадқиқот предмети сифатида. Фаннинг тадқиқот усуллари.

2. «Минтақавий иқтисодиёт» фанининг илмий-назарий асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат минтақавий сиёсатининг мазмуни, тамойиллари ва хусусиятлари. «Минтақавий иқтисодиёт» фанининг назарий жиҳатдан ривожланиши ва шаклланиш босқичлари. Хорижий илмий мактаблар ва уларнинг назариялари. Худудий ихтисослашув ва минтақалараро савдо назариялари: мутлақ ва нисбий афзалликлар назарияси (А.Смит, Д.Рикардо), Хекшер-Олин назарияси (А.Смит, Д.Рикардо, Э.Хекшер, Б.Олин). Ишлаб чиқаришни жойлаштириш назариялари: қишлоқ хўжалиги ва саноат штандорт назариялари (Й.Тюнен, А.Вебер, В.Лаунхардт, Х.Хотеллинг, Т.Паландер ва бошқалар). Марказий жойлар назарияси (В.Кристаллер). Ўсиш қутблари назарияси (Ф. Перру, Ж.Будвил, Х.Ласуен). Иқтисодий раёнлаштириш ва худудий комплекслар ташкил қилиш назарияси (Н.Н. Колосовский) ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт назарияси ривожланишининг янги йўналишлари. Янги иқтисодий география (П.Кругман). Худудий ривожланишининг янги парадигма ва концепсиялари.

3. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантириш қонуниятлари, тамойиллари ва омиллари.

Ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг таркибий унсурлари. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тушунчаси. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг қонуниятлари ва шакллари. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, жамлаш, кооперациялаштириш ва кластерлаштириш. Уларга хос ижобий ва салбий жиҳатлар. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари. Ишлаб чиқариш кучларини стихияли ва мақсадли жойлаштириш.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг табиий-тарихий, худудий ва ижтимоий-иқтисодий омиллари, уларнинг ўрни ва аҳамияти. Худудларда аҳолини жойлаштириш ва худудларни режалаштириш. Минтақаларда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва бандлик муаммосини ҳал этиш – минтақалар иқтисодий ўсиши ва барқарорлигини таъминловчи омил сифатида.

4. Минтақавий иқтисодиётни моделлаштириш.

Минтақавий иқтисодиётни моделлаштиришнинг умумий масалалари. Минтақа моделини ишлаб чиқиш: тармоқлараро ишлаб чиқариш алоқалари, оптимизацион моделлар, ҳудудий эконометрик моделлар, минтақа иқтисодиётини фаолият кўрсатишининг йириклаштирилган моделлари ва бошқалар. Минтақа иқтисодиётини моделлаштиришни такомиллаштириш. Жойлаштириш моделлари: юкларни ташиш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, аҳоли миграцияси. Миллий иқтисодиётнинг минтақалараро моделлари: минтақалар ўртасидаги тармоқлараро баланслар, минтақалараро оптимизацион моделлар, минтақалар иқтисодий алоқалари ва бошқалар.

5. Мамлакатлар ва минтақаларнинг иқтисодий ривожланиши ва ҳудудий интеграцион жараёнларнинг шаклланиши.

Мамлакатлар ва минтақалар иқтисодий ривожланишида сўнгги йилларда юз берган ўзгаришлар: иқтисодий ривожланиш даражасида мавжуд тафовутларнинг кучайиши, «юқори даражада ривожланган», «экологик мураккаб» ва «иқтисодий қоқоқ» минтақаларнинг вужудга келиши. Халқаро иқтисодий интеграция ва халқаро иқтисодий иттифокларнинг вужудга келиши. Турли мамлакатларнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ўртасидаги горизонтал алоқалар. Трансчегаравий ва чегарабўйи ҳудудларнинг ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлари.

6. Миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг ўзаро алоқадорлиги.

Миллий иқтисодиётнинг ҳолати, ривожланиши, таркиби ва жойлашишига хос умумий хусусиятлар. Миллий иқтисодиёт ўзаро узвий алоқадор минтақалар тизими сифатида. Минтақа – ягона иқтисодий ҳудуд ҳамда мамлакат иқтисодиётининг бир қисми сифатида. Миллий иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби. Мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий таркибини шакллантириш тамойиллари ва омиллари. Макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва институционал шарт-шароитлар ўзгаришининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимлар шаклланишига таъсири.

7. Минтақа иқтисодиёти ривожланишини ифодаловчи индикаторлар.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) тушунчаси ва таркиби. Ялпи ички маҳсулотга ўхшашлик томонлари ва фарқи. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ҳисоблаш усуллари. Ялпи ички маҳсулотнинг тақсимланмайдиган қисми. ЯҲМни ҳисоблашни такомиллаштириш вазифалари. Ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳисоблашнинг жаҳон тажрибаси. Иқтисодиётнинг тармоқ таркибида ифодаланувчи кўрсаткичлар. Ижтимоий кўрсаткичлар. Минтақанинг тармоқ ва ҳудудий таркиби.

8. Иқтисодиётни ҳудудий оқилона ташкил этиш ғоялари.

Миллий иқтисодиётни ҳудудий ташкил этиш. Ҳудудий-ташкилий иқтисодий тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Ҳудудий ривожланишнинг самарали шакллари методологияси ва амалиёти (эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, кластерлар ва бошқалар).

Худудлар иқтисодиётини кластерлар асосида ривожлантириш. Ўзаро алоқадор минтақалар тизимининг шаклланиши. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудий таркибини мақбуллаштиришнинг асосий йўналишлари. Минтақаларнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш – ҳал қилувчи устувор вазифа. Республика минтақалари бўйича ягона электроэнергетика ҳамда газ таъминоти тизимларини ташкил қилинишининг ижтимоий аҳамияти ва иқтисодий самараси.

9. Минтақалар иқтисодиёти, тармок ва ҳудудий таркиби ҳамда уни такомиллаштириш йўллари.

Минтақа иқтисодиётининг таркибий тузилиши ва мамлакат табиий-географик ва демографик салоҳиятида эгаллаган ўрни. Интеграцион ва мувозанатли ривожланиш методологияси, методикаси ва амалиёти, худудларни оқилона ихтисослаштириш. Минтақани табиий ва инсон ресурслари билан таъминланганлиги. Уларни хўжаликнинг тармоқлар ва ҳудудий таркибини шаклланишидаги роли. Минтақани мамлакат ялпи ички маҳсулоти, саноат маҳсулоти, кишлоқ хўжалиги маҳсулотидаги улуши. Ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиш даражаси. Шаҳарлар ва шаҳарчалар. “Смарт шаҳар” (“ақлли шаҳар”) концепсиясини қўллаш. Қишлоқ жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. Аҳолининг турмуш даражаси ва унинг асосий кўрсаткичлари. “Қишлоқда уй-жой куриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури”да белгиланган вазифалар. “Обод маҳалла” ва “Обод кишлоқ” дарстурларининг амалга оширилиши. Минтақаларда транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш – аҳоли турмуш даражасини ошириш омили. Транзит (давлатлараро) инфратузилмаларни ривожлантириш истикболлари.

10. Иқтисодий салоҳият ва Ўзбекистоннинг ҳудудий ривожланиши

Худудлар иқтисодий ривожланишининг обектив шарт-шароитлари (географик ўрни, табиий-ресурс, демографик ва ишлаб чиқариш салоҳияти), ишлаб чиқариш таркиби, ижтимоий соҳа. Минтақавий стратегик режалаштиришнинг услубий ва амалий жиҳатлари, ташки ва ички чеклаш омиллари асосида худудларни барқарор ривожлантириш вариантларини ишлаб чиқиш.

Минтақалар иқтисодий тараққиёти йўналишларини жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида белгилаш. “Иқтисодий салоҳият” тушунчасининг мазмун-моҳияти ва ташкил этувчи элементлари. Миллий иқтисодиётни жойлаштириш ва ривожлантиришда минерал, ер, сув, иқлимий ва биологик ресурсларнинг аҳамияти. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва жойлаштиришда аҳоли ва меҳнат ресурсларининг роли. Миллий иқтисодиёт ва аҳоли бандлигига хос хусусиятлар. Аҳоли бандлигининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳудудий муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари. Минтақа иқтисодий

салоҳиятини баҳолаш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари. Ишлаб чиқариш, минерал хомашё, ер-сув ва меҳнат ресурсларини баҳолаш усуллари.

11. Ўзбекистон минтақаларининг ташқи иқтисодий алоқалари ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Ташқи иқтисодий алоқалар – минтақалар тараққиётининг муҳим омили сифатида. Давлат мустақиллиги ва минтақалар ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси, унинг таркиби, шаклланиши ва тақсимланишига хос минтақавий хусусиятлар.

Худудлар экспорт салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари. Уларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш. Хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил қилиш. Худудларда маҳаллий минерал ва қишлоқ хўжалиги хомашёларидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш. Табиий ва меҳнат ресурсларига бой худудларда эркин иқтисодий зоналар ташкил қилишнинг минтақалар иқтисодий ривожланишига таъсири. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг асосий йўналишлари. Агрологистик марказларни ташкил қилиш.

12. Урбанизация – минтақавий ривожланиш омили сифатида

Урбанизация тушунчаси ва унинг моҳияти. Ўзбекистонда урбанизациянинг тадрижий ривожланиши. Урбанизация жараёнларининг илмий, услубий ва амалий жиҳатлари. Шаҳарлар типологияси ва агломерациялар. Шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиялари, концепсиялари ва прогнозларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Янгича шароитда Ўзбекистонда урбанизация сиёсати. Мамлакат минтақаларининг урбанизациялашганлик даражаси. Ўзбекистонда урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш.

13. Минтақаларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш.

Барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифалари. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг минтақавий жиҳатлари. Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш. Худудларда ўрмонларни ҳимоялаш йўллари. Чўл зоналарини ўзлаштириш, қурғоқчиликка қарши кураш. Ўзбекистон ва унинг худудларида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш масалалари. Тоғ худудларинидан фойдаланиш ва ривожлантириш йўллари. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини олдини олиш. Стационар манбалардан чиқадиган чиқиндилар. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ҳаракатланувчи манбаларнинг таъсири. Чегарабўйи худудларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши. Сув ресурсларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш ҳамда ҳимоя қилиш. Орол муаммоси.

14. Ҳудудий бошқарув тизими. Минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш.

Давлат ҳокимиятининг турли поғоналари ўртасидаги ваколатларни таксимлаш вазифалари ва тамойиллари. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудлараро табақаланишини шакллантиришнинг илмий-услубий асослари, уларнинг ечимлари.

Минтақа иқтисодиётини миллий ва маҳаллий даражада бошқариш. Тармок ва ҳудудий бошқарувнинг ўзаро алоқадорлиги. Маҳаллий бошқарув тизимининг норматив-қонуний асослари. Ҳудудий бошқарув тамойиллари ва ташкилий тузилиши. Ҳудудий бошқарув механизми ва ташкилий тузилишини такомиллаштириш. Ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий давлат бошқарув органлари ролини ошириш. Республика ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг самарадорлигини ошириш.

Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли. Минтақавий иқтисодий бошқарувни марказлаштирмаслик, маҳаллий ҳокимият органларининг функциялари ва масъулиятини оширишнинг илмий асослари. Минтақавий ривожланишни тартибга солиш бўйича хориж тажрибаси. Мамлакатимизда минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишда қўлланилаётган асосий усул ва дастаклар. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан орқада қолган ҳудудларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг қонуний, ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий механизмлари.

Иқтисодий дастаклар: режалаштириш ва прогнозлаштириш, солиқ-бюджет тизими, иқтисодий сиёсатнинг макро ва микродастаклари. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари. Мақсадли дастурлар. Инвестицион дастурлар. Манзилли дастурлар. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни стратегик режалаштириш.

15. Ўзбекистон минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўллари.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Рақобатбардошликни ошириш назарияси ва амалиёти, ҳудудларнинг рақобат устунликлари. Минтақалар иқтисодий ривожланишини омиллари. Маъмурий ислохотлар ўтказиш. Минтақаларга инвестициялар жалб қилишнинг асосий тамойиллари ва йўллари. Минтақаларни ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инновацион шарт-шароитлар. Минтақа иқтисодиёти ва аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг назарий ва услубий асослари.

Инновацион ривожланиш асосида тадбиркорликни ривожлантириш йўллари. Ҳудудларни инновацион стратегиясини аниқлаш. Ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион шарт-шароитлари. Тадбиркорликни ривожлантириш йўллари. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш. “Обод маҳалла” дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари ва асосий параметрлари.

16. Минтақалар молияси ва уни тартибга солиш.

Минтақаларнинг молиявий маблағлари ва унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти. Минтақа молияси – маҳаллий ҳокимлик бюджетларининг асосий молиявий манбаи. Ҳудудий молиянинг моҳияти ва таркиби. Маҳаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатлари. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишлари. Мол-мулк солиғи ва унинг маҳаллий бюджетдаги роли.

Бюджет жараёни. Бюджетлараро муносабатлар. Маҳаллий бюджетнинг республика бюджетидаги улуши. Минтақаларга ажратиладиган субвенсиялар. Бюджет таъминоти. Ҳудудий бюджетдан ташқари фондлар, ҳудудий ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ҳудудларнинг молиявий ресурслари. Ҳудудий молиялаштириш бўйича хориж тажрибаси.

17. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятлари

Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Айрим ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишининг илмий асослари ва хусусиятлари, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш. Минтақада иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини жалб қилиш учун ҳудуднинг салоҳиятидан (меҳнат, ер сув, минерал хомашё, инфратузилма, туризм ва бошқ.) самарали фойдаланишнинг назарий-методологик ва амалий асослари.

Минтақалар иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва имкониятлари. Минтақаларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришни кенгайтириш йўллари. Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳудудларнинг иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва имкониятлари. Кичик тадбиркорликни кенг ривожлантириш йўллари кичик бизнеснинг мамлакат ҳудудларини ривожланишидаги аҳамияти. Кичик корхоналар ривожланишидаги хорижий тажрибалар. Кичик корхоналар самарадорлигини баҳолаш.

18. Минтақаларни ривожлантиришда транспорт инфратузилмаси

Инфратузилма ва унинг шакллари. Йўл-транспорт коммуникациялари ва унинг таркибий тузилмаси. Ўзбекистон транспорт тизими ва унинг ривожланиш хусусиятлари. Транспорт - коммуникация тизимларини ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик. Транспорт тизимининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллар. Логистика хизматларини такомиллаштириш ва халқаро интеграция жараёнларини жадаллаштириш. Транспорт соҳасида ягона давлат сиёсати. Транспорт тўрини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари. Ўзбекистоннинг Халқаро экспедиторлар уюшмаси федерацияси, ЭСКАТО, ТРАСЕКА ва бошқа бир қанча халқаро ташкилотлар аъзолиги.

19. Минтақаларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш имкониятлари

Иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси глобал иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида. Рақамли иқтисодиёт

инфратузилмаси тушунчаси ва унинг мазмун -моҳияти. Юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари. Худудларда интернет технологияларини ривожланиши. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида рақамли технологиялардан (сунъий интеллект, прогнозли таҳлиллар, қўшимча технологиялар, буюмлар интернет ва бошқалар) фойдаланиш. Минтақалар иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уни рақамли технологияларни ривожланиши билан боғлиқлиги.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016. 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тарақиёти ва халқ фаровонлигини гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -48 б.
4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси” тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент, 2017 йил, 7 феврал.
5. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти ПФ-165-сон Фармони.
6. «Минтакаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини барқарорлигини таъминлашга қаратилган биринчи навбатдаги чоратадбирлар» тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тошкент, 2017 йил, 8 август.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3175-сон “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630-сон “Обод кишлоқ дастурини амалга оширишнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3812-сон “«Обод маҳалла» дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида” ги Қарори.
10. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. Т.: ФАН, 1992.
11. Ахмедов Т.М., Хасанджанов К.А., Хакимов Н.Х.. Региональная экономика: Учебное пособие. – М.: изд. РЕА им. Г.В.Плеханова. 2006. –231 с.
12. Ахмедов Т.М., Абдуллаев Б.С., Зокиров С.С., Саттаров Р.А. Теоретико-методологические основы устойчивого социально-экономического развития сельских территорий. Монография. Тафаккур нашриёти. Ташкент, 2020. 200 с
13. Ведяпина В.Н. Региональная экономика. под ред. - М.: «ИНФРА», 2008. – 510 с.
14. Гранберг А.Г. «Основы региональной экономики». Учебник. 4-е изд. БМ.: Издателский дом ГУВШЕ. 2004-г. 495 с.

15. Ермошина Г.П., Поздняков В.Я. Региональная экономика. Учеб. пос. – М.: ИНФРА-М, 2012. -576.

16. Зокиров С., Умаров Кх.. Эсономис Девелопмент ин тхе Фергана Валлей синсе 1991// Фергана Валлей тхе Хеарт оф Сентрал Асиа. М.Э.Шарпе Армонк. Лондон, Энгланд. 2011.

17. Зокиров С. Ўзбекистонда урбанизация жараёнларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш. Монография. Тафаккур нашриёти, Тошкент, 2020. -368 б.

18. Имомов В.А., Ахмедов Т.М., Олимжонов О.О. ва бошқ. Туман ва шаҳар салоҳиятини баҳолаш, ижтимоий–иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари. Услугий-амалий қўлланма. ИПМИ, Тошкент. «Тафаккур» нашриёти, 2019. 10,5 б.

18. Ишмухамедов А.Э., Раҳимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.- Т. ТДИУ, 2007. 368 б.

19. Кадыров А. и др. Региональная экономика. –Т.: «ЛІЕССОН ПРЕСС», 2018г., 239 с.

20. Калининкова И.О. Управление социально-экономическим потенциалом региона: Учеб. Пособие. - СПб.: . Питер, 2012. -240 с.

21. Каюмов А, Назарова Х., Эгамбердиев Ф.Т., Якубов Ў. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т.: «Университет», 2004.

22. Ковалено Э.Г. Региональная экономика и управление. Учебное пособие. – СПб.: «Питер», 2005. – 288 с.

23. Лексин В.Н., Шветсов А.Н. Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития. - М.: «Эдиториал УРСС», 2002. - 368 с.

24. Морозова Т.Г. и другие. Региональная экономика. Учебное пособие. - М.: «ЮНИТИ». - 2001.

25. Назаров Ш.Х., Якубова Э.Т., Отабоев Ш.Х., Сафарова Н.Н., Акилов О., Юлдашев О.Б., Камалетдинов У.М. “Худудларни ривожлантириш стратегияси”, Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Молия, 2017 й

26. Научно-методические основы формирования стратегии социально-экономического развития регионов на долгосрочную перспективу. ИМПИ-ПРООН 2012.

27. Региональная экономика. Под ред. Ведяпина В.Н. М.: «ИНФРА», 2006г. 610 с.

28. Регионоведение (под ред, Т. Мирозовой). -М.: «ЮНИТИ». -1998.

29. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. –Т.: «Иқтисод-молия», 2005.

30. Солиев А. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т.: «Университет», 2004

31. Солиев А. ва бошқалар. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография Т. “Мумтоз сўз” 2010

32. Социально-экономическая база развития Джамбайского района Самаркандской области до 2030 г., Коллективная монография. Ташкент – ИПМИ, 2013 г., 90 стр.

33. Социально-экономическая база развития Муйнакского района Республики Каракалпакстан до 2030 г., Коллективная монография. Ташкент – ИПМИ, 2015 г., 98 стр.

34. Стратегия социально-экономического развития Андижанской области на долгосрочную перспективу. Коллективная монография. Ташкент – ИПМИ, 2012 г., 200 стр.

35. Головенчик Г.Г. Сифровая экономика [Электронный ресурс]: учеб.-метод. комплекс / – Минск : БГУ, 2020. ИСБН 978-985-566-847-4. с. 13

36. Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., Ахмедов К. Рақамли иқтисодиёт. Т.: “ЛЕССОН ПРЕСС, 2020 йил – 30-бет